# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 25 август, № 168 (6862) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 сентябрь жума кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2017 йил 1 сентябрь мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

*2017 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ишни **"Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги** Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралда қабул қилинган "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2761-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ушбу ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши, демакки, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонун ҳуқуқий ахборот тарқатиш соҳасидаги у ёки бу муносабатларни тартибга солувчи йигирмадан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида мужассам этиб, бу соҳадаги ҳуқуқий бошқарувнинг тизимли бўлишини таъминлайди.

Қонунда замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, асосий ҳуқуқий тушунчалар мустаҳкамланган бўлиб, унда давлат органлари, яъни вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Бунда ҳуқуқий ахборотни тарқатишни ташкил этиш, бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ваколатли орган деб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган.

Қонун билан ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг аниқ тартиби ва усуллари белгилаб берилган. Хусусан, қабул қилинган қонун ҳужжатларини расмий ва норасмий тарқатма тарзида тарқатиш, уларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ва давлат органларининг веб-сайтларида жойлаштириш тартиби ўрнатилмоқда.

Қонун билан давлат органларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олишнинг мажбурий тартиби жорий этилиб, унинг сўзсиз ижро этилиши устидан назорат тизими мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Қонунда ҳуқуқий тарғибот юритиш ҳуқуқий ахборот тарқатишнинг самарали усулларидан бири сифатида таърифланган бўлиб, уни амалга ошириш шакллари мустаҳкамлаб қўйилган: конференция, учрашув, семинар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш; қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи теле ва радиодастурлар уюштириш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида материаллар жойлаштириш, шарҳлар, рисолалар, плакатлар, буклетлар тарқатиш шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

## Халқимизнинг ардоқли фарзанди

*Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўз умрини элу юрт равнақига бағишлаган Ислом Каримов вафот этганига саноқли кунлардан сўнг бир йил тўлади. Биринчи Президентимиз мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг фидойи, садоқатли фарзанди сифатида хотирамизда мангу яшайди.*

*"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти хотираси куни арафасида ўтказилган сўров бу инсоннинг мустақил давлатимиз ривожида тутган ўрни ҳақида ҳамюртларимизнинг фикрларини аниқлаш имконини берди. Унда мамлакатимиз ҳудудларида яшовчи турли миллатга мансуб аҳоли барча қатлами вакилларидан иборат 1 минг 100 нафар киши иштирок этди.*

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

### Мустақил давлат асосчиси, бош меъмори

Ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, 25 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти ҳақидаги хабарни кўп миллатли халқимиз чуқур қайғу билан қабул қилди. Бинобарин, Биринчи Президент мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун қадрдон ва азиз кишига айланган эди.

Ислом Каримов ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти ҳамда олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Сўровда ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги — 98,8 фоизи Биринчи Президентни мустақил давлатимиз асосчиси, деб ҳисоблайди. Улар таъкидлаганидек, Биринчи Президент Ўзбекистон халқи учун янги давлатни барпо этишдек тарихий қарор қабул қилди ҳамда миллий тикланишнинг ўтиш давридаги масъулиятни ва машаққатни зиммасига олди.

Собиқ тузумдан ажралиб чиққан бошқа давлат раҳбарларидан фарқли ўлароқ, Ислом Каримов ўз халқини қурбонларсиз ва "рангли" инқилобларсиз миллий тараққиёт йўлига бошлади. 96,5 фоиз респондент фикрича, Ислом Абдуғаниевич "Мамлакат ҳаётининг барча соҳасидаги ўзгаришларнинг бош ислоҳотчиси ва ғоявий илҳомчиси" эди. Унинг давлатимизни модернизациялаш бўйича ғоялари, фикру қарашлари мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққий топтириш стратегиясининг назарий ҳамда амалий асоси бўлди.

Шунингдек, мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида Марказий Осиёдаги асосий давлат сифатида мустаҳкам қарор топди, ҳам ички сиёсатда, ҳам халқаро майдонда катта муваффақиятларга эришди, ўзини минтақадаги ва умуман, жаҳондаги хавфсизликнинг фаол тарафдори сифатида намоён қилди. Буни тадқиқотнинг 95,6 фоиз иштирокчиси қайд этган.

### Собитқадам ва босқичма-босқич

Мазкур сўровда Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим даврлари хусусида ҳам жамоатчилик фикри ўрганилди. Респондентлар Ислом Каримовнинг йўлбошчилик ҳамда инсонийлик фазилатлари 1989 — 1991 йилларда яққол намоён бўлганини таъкидлаган. Маълумки, бу даврда Ўзбекистон чуқур ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолган эди.

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

## Шуманайнинг шукуҳли манзиллари

*Президентимиз шу йилнинг 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида* ***Шуманай туманида ҳам бўлиб, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, ҳаёт даражасини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича соҳа ва тизим раҳбарлари олдига бир қатор вазифалар қўйган эди.***

*Шу асосда туманда 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиб, унинг доирасида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.*

### "Электр ҳам, газ ҳам, иш ҳам бўлади..."

— Шуманай марказида уч қаватли замонавий уйлар ҳамда бошқа ижтимоий объектларни қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Ниетулла Жадигеров. — Жумладан, фондимиз томонидан ажратилган 502 миллион сўмлик маблағ эвазига "Бирлешик", "Бегжап" ва "Ақ жап" овул фуқаролар йиғинлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 9,3 километрлик сув тармоғи тортилди. Бундан ташқари, электр энергияси, табиий ҳамда суюлтирилган газ, кўмир ва кўмир брикети билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда.

Бу ерда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Масалан, ёш тадбиркор Айсулув Қутибаева ўзи раҳбарлик қилаётган "А. Караматдинова" хусусий корхонаси қошида замонавий инкубаторда 50 мингта жўжа очириш, кўмир ва қамиш брикети тайёрлашни йўлга қўйди.

### "Ноль"дан бошланган фаолият

Ҳудудда яқин вақт ичида йилига 3500 тонна газлама ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Шуманай эко текстиль" корхонаси барпо этилади. Бунинг учун 9,6 гектар ер майдони ажратилиб, 10 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида кредит йўналтирилмоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган "Shumanay Gold ekspress" ва "Shumanaymegatrans" масъулияти чекланган жамиятлари ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ манфаатини кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар мевасидир. Чунки уларнинг ҳар бири имтиёзли кредит ҳисобига 10 тадан "Isuzu" автобуси ҳамда "Damas" автомобили билан таъминланди.

### Сейдабулланинг "Китоб олами"

Ташриф давомида Президентимизга тадбиркор Сейдабулла Медетов ўқув қуроллари ва китоб савдосини йўлга қўйиш ниятида эканлигини билдирган эди. Унинг истаги амалга ошиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг 500 миллион сўмлик молиявий кўмагида туман марказида "Китоб олами" корхонаси очилди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларидан бири ҳисобланган Шуманай тубдан янгиланиб, соҳаларда ўнгланиш, ривожланиш кузатилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,6 фоиз ўсишга эришилди. Мазкур давр мобайнида 46 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди.

Туманда яратиш ҳамда янгиланиш жараёни изчил давом этаверади. Чунки ҳали дастурда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БОЗОР ТАЛАБИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

*Аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қисқача айтганда, иқтисодиётни юксалтиришда тадбиркорлик ҳаракатининг роли катта. Шу боис бу соҳани ривожлантириш йил сайин долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 мартдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

ҚАРОР ВА ИЖРО




Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Қайд этиш жоизки, қарорда белгиланган енгилликлар Хоразм вилоятида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортишида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудудда 11 минг 302 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,7 фоизни ташкил этгани, иш билан банд аҳолининг 82,3 фоизи шу тармоқда меҳнат қилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Урганч шаҳридаги "Glass Pro" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлмоқда.

Гап шундаки, мазкур корхона энг илғор, яъни компьютерлаштирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида 3 миллиметрдан 50 миллиметргача қалинликдаги ойналарни кесиш, букиш, тоблаш, чархлаш, тешиш, уларга гул чизиш каби нозик ишлар амалга оширилаяпти. Қолаверса, жамоа уй, офислар учун катта ойнаванд эшиклар, рангли ойналар, зинапоялар, аквариумлар ҳамда бошқа кенг турдаги хўжалик, уй-рўзғор буюмлари тайёрлашни йўлга қўйган.

(Давоми 3-бетда).

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

*Республикамизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, беқиёс ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Айниқса, одамлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини кафолатлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар диққат-эътиборда бўлаётир. Албатта, бу барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.*

## Ватанимиз равнақи йўлида

Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг жорий йил 17 — 24 июль кунларида Ўзбекистонга амалий ташрифи якуни бўйича берган баёнотида Миссия томонидан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланган иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир комплекс режалар маъқулланганини, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши иқтисодиётнинг сифатли иш ўринлари ташкил этиш ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш қобилиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини бериши таъкидлангани эътиборлидир.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда давом эттирилаётган изчил саъй-ҳаракатлар иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминламоқда.

Бу борада мана шу қисқа даврда 20 дан ортиқ қонунлар, Президентнинг 180 дан зиёд фармонлари, 450 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Уларнинг барчаси давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни либераллаштириш ва ижтимоий соҳаларни янада тараққий топтиришга қаратилган.

Шу ўринда саноатни ривожлантиришнинг янги имкониятлари ишга солинаётгани, бунда ҳудудларнинг мавжуд хом ашё ҳамда ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланилаётганини айтиш жоиз. Масалан, жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган илғор корхоналар сонини кўпайтиришга оид фаол инвестиция сиёсати юритилиши натижасида жорий йилда умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг 170 та лойиҳа амалга оширилади.

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 13339 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди, 2,1 триллион сўмлик кредитлар ўзлаштирилди, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, "Peugeot" ва "Citroёn" бренди билан енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича корхона барпо қилинмоқда. Эътиборлиси, шу ва бошқа омиллар эвазига фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида 84300 та иш ўрни яратилди.

(Давоми 4-бетда).

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

## МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Барча ўзгаришлардан, аввало, одамлар рози бўлмоғи керак.

*Мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросидаги камчиликлар, тадбиркорлик ва қулай инвестициявий муҳитни ривожлантириш борасида дуч келинаётган муаммолар маъмурий бошқарув соҳасида тизимли ислоҳот ўтказилишини ҳамда унинг самарали механизмини яратишни тақозо этади.*

Мазкур масалага 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор берилган. Стратегиянинг таркибий қисми бўлган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига кўра, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шу кунларда маъмурий ислоҳотлар концепцияси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси портали — regulation.gov.uz да жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган бўлиб, бу борада аҳоли кенг қатламининг фикр-мулоҳазалари, муносабати ўрганилмоқда.

Маъмурий ислоҳотлар ўзи нима? Содда қилиб айтганда, бу — давлат функциялари ва уларни бажарувчи ташкилотлар таркибий-ташкилий тузилмаларини, маъмурий бошқарув фаолияти воситалари, усул ҳамда услубларини жамиятни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг замонавий талабларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ мақсадли ўзгаришларни амалга оширишдир.

(Давоми 3-бетда).

# Ватанимиз равнақи йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда халқимиз ислоҳотлар самарасини ўз даромадлари ҳамда фаровонлиги изчил ортиб бораётганида, яшаш шароитлари янги даражага кўтарилаётганида кўрмоқда. Уларнинг замонавий уй-жойларга ва сифатли истеъмол товарларига эга бўлишлари билан бирга, малакали таълим олиш ҳамда сифатли тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиш каби орзулари рўёбга чиқаяпти.

Мана шундай ислоҳотларни таҳлил қиларканмиз, барча соҳада пухта тизим яратилаётгани, демократик ўзгаришлар янада чуқурлашаётгани, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позицияси янада мустаҳкамланаётгани, энг муҳими, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган мақсадларга босқичма-босқич эришилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Айни пайтда биз, депутатлар жорий йилнинг 12 июлида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида илгари сурилган ғоялар ва белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятимизни мутлақо янги механизм асосида юритмоқдамиз. Бунда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мукаммаллаштириш, қонун нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш энг муҳим масалалардандир.

Шу билан бирга, айрим камчиликлар ҳамда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашишимиз, асосий эътиборни уларнинг келиб чиқиш сабабларига, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларга, уларни бартараф қилиш бўйича ҳукумат, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликлар ва мутасадди идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар кўришга ҳамда бу борада парламент назоратини янада кучайтиришга қаратишимиз лозим. Жойларда давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда, айниқса, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган Давлат дастури ижросини таъминлашда бевосита қатнашишимиз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда ички резерв ва имкониятларни тўла ишга солишда фаолликни янада кучайтиришимиз зарур.

Изчил ислоҳот ҳамда янгиланишлар жараёни ҳар бир инсонни амалий ишларга сафарбар этади, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги йўлида бирлаштиради. Энг муҳими, мустақилликнинг ҳақиқий баҳоси, моҳияти ҳамда аҳамиятини, унинг нақадар азиз ва қадрли эканини намоён этади.

**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**




*Бугун кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўз ишини бошлайди. Ўн биринчи бор ташкил қилинаётган мазкур санъат анжумани нафақат мамлакатимизнинг кўплаб иқтидор эгаларини, балки хорижлик истеъдод соҳибларини ҳам кашф этди, дунёга танитди.*

Иманова, ҳамюртимиз Насиба Сатторова, туркманистонлик Лале Бегназарова каби бетакрор истеъдодларни, Россиянинг "Уранхай" ансамбли, Кувайт мусиқа институти гуруҳи каби юқори даражадаги мусиқа намояндаларини жаҳонга танитди. Биринчи бор ўтказилган фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги ўн биринчи санъат байрамида иштирокчи давлатлар сони 52 тадан ошди.

# Жаҳон санъат аҳли нигоҳи — Самарқандда

Бинобарин, ушбу нуфузли тадбир Шарқ санъатининг бeқиёс қирраларини бутун жаҳонга намоён қилаяпти. У Мағрибу Машриқдан манаман деган ижодкорларни Ўзбекистонга чорлайдиган яна бир ришта, бу турли халқларнинг тили, маданияти, мусиқаси ҳар томонлама яқинлиги, кўнгилларнинг туташлигидир. Зеро, асл санъат таржимонсиз, ҳеч қандай воситасиз қалбларни забт этиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Фестиваль арафасида қадимий шаҳар янада маҳобат, гўзаллигу файзга бурканган. Тоза ва озода кўчалар, Шарқ меъморчилик анъаналарига хос обидалар, хушфеъл, меҳмондўст одамлар — буларнинг барчаси ташриф буюрувчиларда мислсиз хушнудлик уйғотиши, шубҳасиз. Янгидан барпо этилган ҳамда реконструкция қилинган бинолар, жозибадор хиёбонлар ва гулзорлар — ҳаммаҳаммаси шаҳар қиёфасига фусункорлик бағишлаган. Сўлим боғлар, сержило фавворалар, халқимизнинг юксак яратувчанлик салоҳиятидан дарак берувчи иншоотлар ўзига мафтун этади, унитилмас таассуротлар бағишлайди.

— Давлатимиз раҳбари 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда мақом санъатининг аҳамияти, унинг довруғини тиклаш, ушбу йўналишда танлов ўтказиш ҳақида жуда муҳим фикрларни билдирдилар, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Нафақат мақом, шунингдек, мумтоз санъатимизни кўз-кўз этиш, кенг миқёсда тарғиб қилишда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ўрни беқиёс. Анжуманнинг доимий иштирокчиси сифатида шуни айтаманки, дунёнинг турли мамлакатларидан келувчи машҳур санъаткорлар, хонандалар, созандалар бизнинг мақом анъаналаримизни мароқ билан тинглашларини кўп айтишади. Бундай эътироф эса, Президентимиз таъкидлаганидек, мақом санъатининг ўрни бебаҳо эканлигини кўрсатади.

ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилган ва мазкур ташкилот шафелигида Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Негаки, унинг ғоялари ҳаётбахш, мақсади улуғвор — жаҳон мусиқаси анъаналарини асраш, уни халқлар ўртасида тарғиб қилиш, ривожлантиришдан иборат.

1997 йилдан буён муаззам Регистон майдонида дунёнинг қанчадан-қанча санъаткорлари ноёб истеъдодларини намойиш этишди. Ушбу саҳна турли йилларда озарбайжонлик Симара

Қатнашчиларнинг йил сайин кўпайиб бораётганлиги жонажон Ўзбекистонимиз, кўҳна Самарқанднинг Шарқ мумтоз куй ва қўшиқлари оламида беқиёс ўрни борлигидан, юртимизнинг мусиқа соҳасида ҳам жаҳон аҳли эътиборини қозонаётганидан далолат беради. Фестивални ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ҳамда уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республика ташкилий қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан белгиланган зарур чора-тадбирлар асосида кенг қамровли ишлар бажарилди.

Хусусан, кеча Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида "Оламга таралгин, Шарқ таронаси!" номли кўргазма очилди.

Регистоннинг бугунги файзу таровати, унинг минораларидаги нақшлар жилоси, янгича замонавий ёритиш услубининг эътибор тортарлиги ва, энг асосийси, майдондаги нуфузли анжуманга кўрилган ҳозирлик ҳар бир самарқандликнинг кўнглига қувонч солмоқда. Бу кўтаринкилик "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари, хорижлик сайёҳлар қалбига ҳам кўчиб ўтишига эса асло шубҳа йўқ.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ўз мижозларининг кўп сонли талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда, юқори фоизли

**«Халқ манфаати»**

омонатига маблағлар қўйиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади.

**«ХАЛҚ МАНФААТИ»**

- Омонатни сақлаш муддати — 6, 9, 12 ой.
- Бошланғич бадалнинг энг кам миқдори — 5 000 000 сўм.
- Омонатга маблағ нақд пул кўринишида қабул қилинади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация этилмаган ҳолда, талаб қилиб олингунча ҳисобварағига кирим қилиш орқали тўланади.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!**

Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.UZ

Хизматлар лицензияланган.

1128А/115







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Ф. Маҳкамова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 04.20 1 3 4 5 6